



**Абдусалом УМАРОВ,**  
социология фанлари доктори, профессор

## КИТОБАТ САНЪАТИМИЗНИНГ ТЕРАН ТАҲЛИЛИ

**Иброҳим Йўлдошев.**

**Ўзбек китобат санъати ва терминологияси.** Монография. / И. Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти. – Т.: “TURON-IQBOL”, 2018. – 288 б.

Инсониятнинг энг буюк кашфиёти ёзув, китоб экани ҳақидаги фикрни кўп бор эшигтганмиз ва китоб тақдири инсоният тақдири билан чамбарчаслигини ўйлаб, бунга иқрор бўламиз. Дарҳақиқат, китоб – инсониятнинг ёзма хотираси, неча-неча авлод-аждодлар ақл дурданалари-ююрак жавоҳирларининг хазинасидир. Айни вақтда китоб тарихи тамаддунга эришган ҳалқ ва миллатларнинг маданий ривожланиш тарихи ҳамdir.

Професор Иброҳим Йўлдошевнинг “Ўзбек китобат санъати ва терминологияси” номли монографияси билан танишар экансиз, хаёлингиздан шундай фикрлар кечса ажаб эмас.

Гарчи монография моҳиятнан филологик тадқиқот бўлса-да, унда ҳалқимизнинг кўп асрлик маданий ўтмишига дахлдор фактлар, воқеалар, тарихлар бисёр.

Мазкур монография ўзбек тилшунослигининг деярли ўрганилмаган соҳаси – китобатчилик терминологиясини тадқиқ қилиш, унинг шаклланиш даврига оид, айrim терминлар этимологиясига оид мунозарали холатларга ойдинлик киритиш, бойиш манбаларини аниқлаш ҳамда уни тартибга солиш масалаларига бағишлиланган.

Аввало, монографиядан марказий ўрин эгалланган “kitobat” ва “kitobat санъати” терминлари

ҳақида. Маълумки, ҳозирда “kitobat” сўзи кундалик муомалада ишлатилмайди. Лекин, муаллифнинг ёзишича, “ўтмишда китоб яратиш иши мавжуд бўлган экан, уни ҳамда у билан боғлиқ жараёнларни ўзида мужассамлантирувчи сўз ҳам бўлган. Бу *kitobat сўзидир*” (15-бет). Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар ҳукмонлиги даврида китобатчилик нафис санъатнинг юксак даражаси сифатида танилгани умумлашма маънода *kitobat санъати* ҳақида фикр юритишига асос бўлган.

Ушбу тадқиқот муаллифнинг чукур назарий тайёргарлигидан ташқари унинг чинакамига улкан ҳажмдаги тарихий-филологик материални ўрганиб чиқиши, таҳлил қилиши ҳисобига юзага келган. Буни муаллифнинг ўзи яхши қайд қилган: “Монографияни яратишда, биринчи навбатда, Алишер

Навоий асарларига суюниб иш кўрдик. Қолаверса, ўзбек китобатчилик терминологиясининг ilk шаклланиш куртакларини қадимги туркий ёзма обидалар (Ўрхун-Енисей битиклари), XI–XVI асрларда яратилган Маҳмуд Кошварийнинг «Девону луготит турк», Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик», Хоразмийнинг «Мұхаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Сайид Аҳмаднинг «Таашшуқнома», Сайид Қоси-

иброҳим Йўлдошев

### ЎЗБЕК КИТОБАТ САНЪАТИ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ



мийнинг «Ҳақиқатнома», Захириддин Мұхаммад Бобурнинг «Бобурнома»си каби тарихий асарлардан изладик. Айрим терминларнинг қиёсий таҳлилини олиб боришда Туркия ҳамда Россия каби хорижий давлатларда чоп этилган манбалардан ҳам фойдаландик. Синхрон аспектда, яъни ўзбек китоби ва унинг терминологиясининг буғунги аҳволи, тараққиёт омиллари, тартибга солиши муаммоларини ҳал этишда ўзбек тилшунослиги, терминологияси масалаларига, колаверса, китобатчилик, кутубхоначилик, хусусан, нашриётчилик-матбаачиликка оид аслий ва таржима асарлар ҳамда терминологик лугатлар асосий манбалар бўлиб хизмат қилди” (11–12-бетлар).

Китобнинг катта қисмини ўзбек тилида китобатчилик терминларининг шаклланиши билан боғлиқ кузатув ва таҳлиллар ташкил этади. Маълумки, ҳаётда нимаики янгилик вужудга келса, у тилда ўз ифодасини топади. Агар янги асбоб ўйлаб топилса – унга янги от қўядилар, янги соҳа пайдо бўлса – ўзига муносиб ном олади. Халқимизнинг ёзув, китобатчилик билан боғлиқ тарихи минг йилларга бориб тақалар экан, бу соҳага алоқадор терминлар ҳам шу қадар кўхна эканлиги табиийдир.

Монографиянинг “Туркий тошбитиклар ва улардаги китобатчиликка оид терминлар ҳақида”, “Битик” терминининг этимологияси” фаслларида қадимги туркий ёзма обидалар – тошбитикларда китобатчиликка оид атамаларнинг дастлабки кўринишлари хамда “битик” терминининг келиб чиқиши, замонлар ўтиши билан маъноларининг ўзгаришларга учраши, фаоллашиши ёки сусайиши масалалари катта ҳажмдаги манбалар асосида таҳлил қилинган. Бу ерда муаллифнинг “битик” термины этиологияси хусусида синчковлик билан олиб борган тадқиқотини ва мазкур термин, ҳозиргача янглиш талқин қилиб келинганидек, хитойча эмас, асл туркий асосга эгалигини кўплаб далиллар билан исботлаб берганини алоҳида қайд килиш керак.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудларига Ислом дини билан бирга араб тили ва ёзувининг кириб келиши маҳаллий халқлар маданияти ва тилига жиддий таъсир ўтказган: эскидан қўлланилиб келинган баъзи туркий сўзлар ўрнида аста-секин арабча сўзлардан фойдаланила бошланган. Жумладан, *битик* ва *китоб* сўзлари хусусида ҳам шуни айтиш мумкин: дастлабки вақтларда «*бир муқовага жузлаб тўпланган қўлёзма асар*» маъносини ифодалашда *битик* ва *китоб* сўзлари

муомалада бўлиб келган бўлса, кейинчалик, тахминан X–XI асрлардан эътиборан айни шу тушунчани ифодалашда *китоб* асосий термин сифатида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади (34-бет).

Шундай бўлса-да, кейинги юзийилликларда тилимизда китоб, асар маъноларини ифодалаш учун тагин дафтар (40–41-бетлар), нома (41–41-бетлар), рисола (48-бет), мусаннаф (مصنف) – (سفينة) – кичик тўплам, жўнг (جونگ) – катта тўплам, танланган асарлар (56-бет), куллиёт (56-бет) каби атамалардан хам фойдаланилган. Шунингдек, қадимда китобат сўзининг ишлатилиш доираси анча кенг бўлиб, у турли маъноларни ифодалаб келган. Хусусан, XV–XVI асрларга оид кўлёзма манбаларда китобат термини:

а) күчириб ёзиш, асар ёзиш, китоб ҳолига келтириш; б) нома, мактуб; в) ёзувлар, ёзишмалар; г) ёзув, хат маъноларида қўлланилганини манбалардан олинган аниқ мисоллар билан исботланган (37 – 38 бетлар).

Монографиянинг “Китобатчиликда қўлланилган ёзув ашёлари ва уларга оид терминлар” фасли китоб, ёзув тарихи билан қизиқувчи хар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Инсоният тарихида ёзув амалга ошириладиган материал хилма-хил бўлиб, қадимда тош, папирус, тери, пергамент, газлама-мато, суяк, сопол, дараҳт пўст-логи, тахта каби ашёларга ёзув битилган. Китобда бу ашёларнинг қайси бири қандай мамлакатда қўлланила бошлагани, у билан боғлик терминнинг этимологияси, тарқалиш жуғрофияси, функционал хусусиятлари, ёзиш, ўқиш ва сақлаш учун қулай-ноқулайлиги муфассал баён этилган.

Китобдаги Самарқанд қоғозига бағишлиланган саҳифалар тарихимиздан ва ижодкор халқимиздан ғуурланиш ҳиссини уйғотади. “VIII асрнинг иккинчи яримларида Самарқандда ишлаб чиқарилган ва *Самарқанд қоғози* ёки *Шарқона қоғоз*, деб номланувчи қоғоз турининг довруғи ўзининг сифати ва нағислиги билан қисқа вақт ичидаги дунёга тараған” (63-бет).

Қоғоз Хитойда кашф қилингани маълум, лекин Самарқанд қоғозининг устунликлари унинг Буюк ипак йўли орқали Европа, умуман, жаҳон бозорига чиқишига ва дунё тамаддунида янги даврни бошлаб беришига сабаб бўлди.

Хитойликлар асосан мўйқаламда ёзганликлари учун тайёрланган қофози ҳам шунга мўлжалланиб, унинг бир тарафи силлиқланган. Самарқанд қофозининг икки томони ҳам силлиқлангани ва

олди-орқасига ёзиш мумкинлиги учун у афзал саналган ва харидоргир бўлган.

Ўз даврида “хаттотлар султони” номини олган Султон Али Машҳадийнинг тубандаги сўзлари бунинг исботидир: «Ҳар қанча синасанг ҳам Хитой қоғозидан яхшиси йўқ. Аммо Самарқанд қоғози бебаҳодир. Агар сен ақлли одам бўлсанг, ундан воз кечма, ундаги ёзув равон ва гўзал бўлади” (67-бет).

Самарқанд қоғозининг хусусиятлари ҳакида гап кетганда бугун бутун дунё қоғоз пулларида ва кимматли қоғозларида соҳталашибиршига қарши қўлланиладиган “сув белгиси” XVI асрда самарқандлик қоғозгар уста Мир Иброҳим томонидан кашф қилинганини ҳам айтиш лозим. “Мир Иброҳим томонидан қоғоз тайёрлашнинг янги бир усули ишлаб чиқилди. Унга кўра тайёрланган қоғознинг ичидаги бир тангалик доира шаклидаги оппоқ «сув белгиси» бўлган. Ҳар қандай шароитда ҳам қоғозни мана шу белгисига биноан бошқа қоғоз турларидан осонгина ажратиб олиш мумкин бўлган. Бу қоғоз тури мазкур кашфиётчининг ўз номи билан *Мир Иброҳим қоғози* деб аталган. Бу қоғоз тури XVI– XVII асрларда жуда машхур бўлган” (71-бет).

Мазкур фаслнинг қалам билан боғлиқ сахифалари ҳам мароқ билан ўқилади. Бу ёзув куролининг турли халқларда қўлланилган кўринишлари, уларнинг қамишданми, бамбуқданми, ёғочданми, парранда патиданми, темирданми тайёрланиш усуллари, ёзиш имкониятлари батафсил ёритилган.

Бизнинг тилимизга, адабиётимизга, қўйингки, маданий турмуш тарзимизга нақадар сингишиб, уйғунлашиб кетган қалам асли юончча **қаламос** (қамиш) сўзидан келиб чиққанини, у аввал арабларга, улардан бизга ўтиб келганини ҳамма ҳам билавермайди. Монографияда қалам термини баҳонасида минг йилларга айланиб “саёҳат” қиласиз, турли халқлар, турли ёзувлар, турли-туман анъаналарга дуч келасиз, ошно бўласиз, завқингиз ошади, тасаввурингиз кенгаяди.

Китобда қалам тимсолининг мумтоз адабиётимиздаги ўрнига, айниқса қалам билан боғлиқ мажзоларнинг Алишер Навоий ижодида намоён бўлиш ҳолатларига, бундаги буюк шоир маҳоратига бағишлиланган сахифаларда муаллиф нафақат тилшунос, балки адабиётшунос сифатида ҳам залворли фикрларни баён этади.

Ёзув маданиятимиз тарихига оид бир ғала-ти-машхур талқинга ойдинлик киритилгани мо-

нографиянинг қимматини янада оширган. Яъни сўнгги вактларда мумтоз адабиёт, шеърият рамзи сифатида оқ қоғоз устидаги патқалам тасвири урф бўлган эди. Бу эса тарих ҳақиқатига зид экани китобда аниқ далиллар билан исботланган: бизнинг азалий ёзув қуролимиз патқалам эмас, қамиш қаламдир.

Китобатчилик тарихи узун бўлгани сингари бу соҳа билан шуғулланувчиларнинг номлари, аталишлари ҳам мўлдир. Хусусан, муаллиф Алишер Навоий ижодида биргина *котиб* терминининг *хаттот*, *битикчи*, *қаламзан*, *ракамзан*, *хуинавис*, *роқим*, *ҳуруф роқими*, *муҳаррир*, *мунший*, *нависанда*, *аҳли қалам*, *қалам аҳли*, *ёзгувчи*, *варақнигор*, *варақнавард*, *қаламкаш*, *мусанниф*, *битгучи*, *баҳши*, *дабир*, *мусҳафнавис*, *тасниф аҳли* // *таълиф* хайли сингари йигирмадан ортиқ синонимлари қўлланилганини шоирнинг уммондай кенг адабий бисотидан териб кўрсатган (125–128-бетлар).

Китобатчилик терминологиясининг бойиш манбалари тадқиқ қилинган кейинги боб ҳам ўрганиш объектининг қўлами билан ажralиб туради. Унда ўзбек тилининг китобатчилик терминлари ички имкониятлар ва ташки манбалар хисобига бойиб боргани, шу билан бирга, замонлар ўтиши, фан-техниканинг ривожланиши натижасида айrim атамаларнинг тарих саҳнасидан тушиб, “эскирган” тамғасини олиш жараёнлари ўз аксини топган.

Муаллифнинг “терминология миллатнинг ўтмиши ва бугунини кўрсатувчи омиллардан биридир”, деган сўзлари кишини фалсафий мушоҳадаларга ундейди. Дарҳақиқат, миллатнинг муайян соҳадаги ўз кашфиёти унинг ўз тилида янги термин яралишига сабаб бўлади, бошқа халқлар билан ўзаро алоказалири натижасида улардан олинган янги ашё ва унсурларнинг номи ўзлашади. Агар миллат сиёсий қарам бўлиб, ижтимоий-маданий босим остида қолса, хукмрон тартиб-қоидалар, турмуш тарзи, нарса ва предметларнинг номлари мазлумлар тилига сингади (тўғрироғи – сингдирилади). Миллатнинг тарихи унинг тилида, терминологиясида шу тариқа зухур бўлади.

Монографиянинг охирги бобида китобатчилик терминологиясини тартибга солиш, уйғунлаштириш, стандартлаштириш масалалари ҳақида баҳс юритилса-да, унда ҳазрати истиқлол туфайли тилимизнинг эмин-эркин, хур ривожланиши учун яратилган буюк имкониятлардан ифтихор ҳисси барқ уриб турибди.